



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИ
ҲУЗУРИДАҒИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИ
ҲУЗУРИДАҒИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ КАСАБА
УЮШМАСИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ**

ҚЎШМА ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида “Яшил макон”
умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси ҳудудида экологик муҳитни янада яхшилаш, ходимларнинг саломатлигини сақлаш ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти қарор қилади:

1. Жорий йил 2 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режалаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида жорий йил 10 декабрга қадар дарахт экиш бўйича “долзарб 40 кунлиги” эълони қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг ҳар бир ходими камида 5 тадан манзарали ва мевали дарахт кўчатларини экиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан дарахт кўчатларини экиш майдонлари шаҳар ва туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда аниқлансин.

Бунда, биринчи навбатда Олий аттестация комиссияси биноти жойлашган майдонда боғлар ҳосил қилишни ва кўкаламзорлаштирилишини назарда тутган ҳолда, экиладиган дарахт кўчатлари турлари ҳудуднинг иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда танлаб олинсин.

Шунингдек, ташкилотнинг ховлисига, йўл четларига дарахтлар экилиши мақсадга мувофиқ ҳисоблансин.

5. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт кўчатларини экиш ишларини молиялаштириш Олий аттестация комиссиясининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилиши тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси **бир кун муддатда** экиладиган майдонлар хажми ва манзили, дарахтларнинг сони (жумладан манзарали ва мевали дарахтлар сони) ҳамда уларни суғориш усули кўрсатилган ҳолда 4 ноябрдан бошлаб 10 декабрга қадар мўлжалланган жадвални ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

ушбу савобли ишда - “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда ҳар бир ходим ўз ўрнини топиши учун зарур чоралар кўрилсин;

экилган дарахтларни агротехник талаблардан келиб чиққан ҳолда парвариш қилиниши, жумладан минерал ва органик ўғитлар билан озиклантирилиши ва зарурқунандалардан химоя қилиниши ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан жорий йил 11 декабрга қадар кунлик экилган дарахтлар тўғрисида маълумотни **ҳар куни соат 19:00га қадар** раҳбариятга тақдим этиб боришни Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти раиси (Б.Шамуратов)га топширилсин.

8. Мазкур қўшма қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Олий аттестация комиссияси бош илмий котиби А.Шермухамедов ва Олий аттестация комиссияси Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти раиси Б.Шамуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссияси раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссияси Касаба уюшмаси бошланғич
ташкилоти раиси



[Handwritten signature]

А. Юсупов

Тошкент ш.

2021 йил «3» ноябрь

9021-1 -сон



[Handwritten signature]

Б. Шамуратов

Тошкент ш.

2021 йил «3» ноябрь

01/21 -сон